

Банкларда Рақамли Активларни Бошқаришнинг Меъёрий-Хуқуқий Асослари

Давлетов Азиз Адҳамжонович

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистранти

Annotation. Тезисда рақамли активлар тушунчаси, рақамли активларнинг сўнгги вақтлардаги аҳамияти, тижорат банкларида рақамли активларни бошқариши билан бозлиқ бўлган ҳориж тажрибаси, рақамли активларни бошқариши билан бозлиқ Ўзбекистон банк тизимида яратилган меъёрий-хуқуқий асослар бўйича муаллиф муносабатлари ҳамда соҳани ривожлантириши учун муаллиф таклиф ва холосалари келтирилган..

Keywords: рақамли актив, криптовалюта, рақамли иқтисодиёт, электрон пул, криптоактив.

Рақамли технологияларни ривожланиши охир-оқибат номоддий активларни, яъни физик жихатдан мавжуд бўлмаган номонетар активларни ошишига олиб келмоқда. Масалан, 1975 йилда американинг йирик корпорацияларининг номоддий активлари 17% ни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб, бу кўрсаткич 85%дан ошди. Аниқроқ тушунтирадиган бўлсак, бухгалтерия балансидаги моддий ва номоддий активлар ўз ўринларини алмаштиришди. Рақамли активлар – бу молиявий ҳисботларни тузишда ҳисобга олинадиган рақамли шаклдаги номоддий активлардир.

Жаҳоннинг машҳур McKinsey эксперталарининг баҳолаши бўйича, бугунги кунда жаҳон ЯИМнинг қарийб 10% и рақамли активларга тўғри келади, шу билан бирга, уларни ишлаб чиқиш суръати жаҳон иқтисодий ўсишининг 30%га тўғри келади. Рақамли активларни ривожланиши акселератор (тезлаштирувчи) ҳаракатига ўхшайди.

Рақамли активларни ривожланишида ижтимоий тармоқларни ўрни мухимдир. Ижтимоий тармоқлар ўз навбатида рақамли бизнесни ривожланишига кенг имкониятлар яратиб беради.

Рақамли иқтисодиётнинг замонавий кўриниши сифатида мобиль тўлов тизимларини кўрсатиш мумкин. Бунда ҳаммамизга маълумки, мижозларнинг смартфонлари банкдаги ҳисобрақамларга боғланган бўлади, бу ўз навбатида мижозларга on-line харидларни амалга ошириши ва фақатгина мобиль аппаратнинг экранига қўл теккизиш орқали дунёning исталган жойига пул маблағлари ўтказиши мумкин.

Тўлов тизимлари ва банк ахборот тизимлари рақамли активлардан кенг фойдаланишади. Рақамли активларнинг асосий компонентлари сифатида интеллектуал мулк обьектлари ҳисобланади. Интеллектуал фаолият натижаларига эгалик ҳуқуқини фақатгина компания эга бўлади. Бундай активларга мисол қилиб, ихтиро патентига мутлақ ҳуқук, компьютер дастурларига мутлақ ҳуқук ва маълумотлар базасини келтириш мумкин.

Рақамли активларни ривожланишини рақамли тижоратнинг ривожланишисиз тасаввур қилиш қийин. Рақамли тижорат эса, содда ва ишончли рақамли тўлов тизимларини яратишини талаб этади. Биринчи on-line тўлов тизимларига хизмат кўрсатишда аҳоли

Үртасида кенг тарқалғанлиги сабабли кредит ва дебет карталаридан фойдаланилган. Visa ва Master Card кредит карталари эмитентлари сотувчилардан ахборот алмашинуvida юқори хавфсизлик чораларини қўриш шартларини талаб этишган.

Жаҳонда рўй бераётган сўнгги трендларни ўрганиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Чунки, дунёда бухгалтерия балансидаги моддий ва номоддий активлар ўз ўринларини жадал алмаштириш даврида биз ҳам асосий эътиборни фақат маҳсулотлар экспортига қаратмасдан, балки ноу-хау, блокчейн технологиялар фаолиятини замонга ҳамоҳанг ўрганиб, шу билан бирга, рақамли иқтисодиётдан фойдаланишни янги босқичга олиб чиқишимиз мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни устувор вазифаси – Ўзбекистон иқтисодиётини юқори суръатларда ўсишини таъминлаш билан бирга, аҳоли онгини, илмини, қарашларини замон билан ҳамнафас қилиш, қолаверса, мамлакатимизни халқаро майдонда интеграциясини тезлаштириш ва натижада Ўзбекистонни демократик, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторига қўшишдан иборатdir.

Энди бевосита рақамли актив тушунчаси ва унинг ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ халқаро тажрибага эътибор қаратсак. Ҳозирги вактда кўпгина мамлакатлар қонунчилигига “рақамли активлар” ҳодисасининг таърифи мавжуд эмас. Бироқ, АҚШнинг баъзи штатларида бу ҳодисани белгилашга уринишлар бўлган. Ушбу категорияни ўрганиш учун АҚШнинг алоҳида штатлари қонунчилиги таҳлилига мурожаат қиласиз.

Коннектикут штати қонуни рақамли активлар таърифига эга эмас, бунинг ўрнига “электрон почта ҳисоб ёзуви” атамаси билан чекланган – бу электрон почта хизмати провайдери томонидан тақдим этилган электрон почта хизмати якуний фойдаланувчиси томонидан жўнатилган ёки қабул қилинган, ушбу электрон почта хизмати провайдери томонидан мазкур хизмат кўрсатишда одатда сақланган ёки ёзib олинган барча электрон хабарлар, шунингдек, электрон почта хизмати провайдери томонидан сақланган ёки ёзib олинган, электрон почта хизмати провайдерининг якуний фойдаланувчисига тақдим этиладиган электрон почта хизматлари билан бевосита боғлиқ бўлган, ҳар қандай бошқа электрон ахборот, шу жумладан, биллинг ва тўлов ахбороти, бошқа маълумотлар”.

Виржиния штати кодексида “рақамли активлар” негизида аналог ёки рақамли фото, серверда, компьютерда ёки бошқа электрон қурилмада ёки электрон ташувчида, компьютер, қурилма ва электрон ташувчи мулк шаклидан, ҳамда рақамли актив масофадан туриб сақланиши мумкинлигидан қатъий назар, сақланадиган ҳар қандай матн, тасвирлар, мультимедия ахборот ёки бошқа шахсий мулк тушунилади. “Рақамли активлар” рақамли активларга кириш учун зарур бўлган ҳар қандай сўзлар, белгилар, кодлар ёки шартномавий ҳукуқларни ўз ичига олади.

Мэн штатининг Васиятлар ва ишончли бошқарув ишлари бўйича комиссиясининг рақамли мерос соҳасидаги норақамли активларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги топшириқда эълон қилинган. Унга кўра “рақамли активлар” деганда электрон шаклда сақланадиган, ахборотни олишга ёки келажакда сақланиб туришига имкон берадиган ҳар қандай ташувчида сақланадиган ахборот, шу жумладан (аммо бу билан чекланмасдан) хужжатлар, расмлар, графиклар, диаграммалар, фотосуратлар, овоз ёзувлари, тасвирлар ва бошқа ахборот ёки тўпланган маълумотлар тушунилади”.

2013 йил 14 январдаги Орегон штати қонун лойиҳаси “рақамли активлар” батафсил, кенг очиб берилган таърифини таклиф қиласи . Ушбу қонун лойиҳасига мувофиқ, рақамли активлар ўз ичига қўйидагиларни киритади (аммо улар билан чекланмайди): серверда, компьютерда ёки бошқа жисмоний қурилмада ёки электрон ташувчида сақланишидан,

рақамли активлар сақланадиган жисмоний қурилма ёки электрон восита мулки шаклидан қатый нazar сақланадиган матн, тасвирлар, мультимедия ахбороти ёки рақамли шаклда сақланадиган бошқа мулк.

Мазкур штатда таклиф қилинган лойихага кўра “рақамли активлар” қўйидагиларни ўз ичига олади (аммо улар билан чекланмайди): Рақамли активларга кириш учун зарур бўлган сўзлар, белгилар, кодлар ёки шартномавий хукуқлар. Бундан ташқари, ушбу қонун лойихасида “рақамли ҳисоб ёзуви” тушунчаси мавжуд – “ўз ичига: электрон почта, молиявий, шахсий ва бошқа онлайн ҳисобларни киритади (аммо улар билан чекланмайди)”. Ушбу қонун лойихасида, “шахсий мулк” ўз ичига барча моддий ва номоддий мулк.... ва рақамли активларни киритиши тўғридан-тўғри кўрсатилган норақамли актив мавжуд.

Ўзбекистонда крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантиришда “рақамли валюта” таърифининг ўзи, аниқроғи, унда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 95-моддасида “Валюта қимматликлари деб ҳисобланадиган мол-мулк турлари ва улар хусусида битимлар тузиш тартиби қонун билан белгилаб қўйилади. Валюта қимматликларига мулк хукуқи умумий асосларда химоя қилинади”, деб белгиланган “рақамли валюта”ни валюта қимматликлари сифатида баҳолашга фундаментал асос саналади.

Ундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3-июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасидаги ваколатли орган этиб белгиланди ҳамда 2018 йил 1 октябрдан бошлаб крипто-активлар айланмаси соҳасидаги, жумладан, крипто-активлар савдоси бўйича крипто-биржалар яратиш фаолияти лицензияланиши лозимлиги юзасидан тегишли талаблар белгиланган.

Шунингдек, мазкур қарорга мувофиқ ўша давр давомида тадбиркорлик соҳасининг янги бир тури бўлган крипто-биржа фаолиятини ташкил этиш ва уни тартибга солишига қаратилган қатор хужжатлар қабул қилинди. Мазкур соҳани тартибга солиш ва ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилиши натижасида 2019 йил нафақат Ўзбекистон, балки қўшни мамлакатлар учун ҳам янгилик бўлган биринчи крипто-биржа фаолиятига тегишли лицензия берилди.

2020-2021 йилларда дунёning барча мамлакатлари ҳудудида коронавирус пандемияси жадал тарзда тарқалганлиги ва глобал иқтисодиётга кучли таъсир кўрсатганлиги натижасида дунё ҳамжамияти томонидан крипто-активларга бўлган талаб янада кучайиб борди. Бу эса, ўз навбатида, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар хукуматлари учун янги бир синов бўлди.

Крипто-активлар айланмаси соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, крипто-активлар айланмаси соҳасида инвесторларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, крипто-активлар айланмаси соҳасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни ва оммавий қирғин куролларини тарқатишини молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш каби бир қатор вазифалар Агентлик зиммасига юклатилган.

Умуман олганда, Президентимиз томонидан қабул қилинган қарорлар ва бошқа хукукий асосларнинг қабул қилиш қўйидагиларга эришиш учун хизмат қилади:

- крипто-активлар айланмаси ва блокчейн технологияси соҳасида инновацион лойиҳаларни жадал суръатларда ишга тушириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, майнинг соҳасини ривожлантириш;
 - янги технологияларни жорий этишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан бөғлиқ хатарларни баҳолаш ва минималлаштириш механизмини жорий этиш;
 - крипто-активларни фуқаролик айланмасига босқичма-босқич ва назорат қилган ҳолда киришини ташкил этиш орқали янги тартибга солиш усулларини синааб қўриш механизмини яратиш;
 - замонавий маҳсулот ва хизматларни жорий этиш учун маҳсус шартларни тақдим этиш орқали юқори технологиялар соҳасидаги хорижий инновацион компанияларни жалб қилиш;
 - рақамли технологиялар соҳасида маҳсулот ва хизматлар экспорти ҳажмини ошириш;
 - крипто-активлар айланмаси ва блокчейн технологияси соҳасида кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш учун асос яратиш;
 - крипто-активлар соҳасида майнинг, смарт-контрактлар, “блокчейн” технологиялари жорий қилиш;
- “блокчейн” технологияларини ишлаб чиқиш ва фойдаланиш соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш;
- жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги крипто-активлар айланмаси ва улардан олинган даромадлар солиққа солиш объектлари бўлиб ҳисобланмайди;
 - Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдонда инновацияларга очик ва инвестициявий жозибадор мамлакат сифатида имиджини ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Dosch, N. Over View of Digital Assets: Defining Digital Assets for the Legal Community / N. Dosch [Electronic resource]. - 2010. - Mode of access: <http://www.digitalestateplanning.com/>
2. Act concerning access to decedents' electronic mail accounts: Senate Bill № 262 Public Act, June 24, 2005 № 05-136 [Electronic resource]. - 2005. - Mode of access: <http://www.cga.ct.gov/2005/act/Pa/2005PA-00136-R00SB-00262-PA.htm>. §§ 64.2-109; 110 Code of Virginia, July 1, 2013 // Legislative Information System [Electronic resource]. - 2013. - Mode of access: <https://leg1.state.va.us/cgi-bin/legp504.exe>
3. Resolve, to Study the Issue of Inheritance of Digital Assets House of Representatives: Legislative Document № 850 (HP 601), March 5, 2013 // State of Maine Legislature [Electronic resource]. - 2013. - Mode of access: <http://www.mainelegislature.org/legis/bills/getPDF.asp?paper=HP0601&item=1&snum=126>
4. Relating to digital property: Senate Bill, January 14, 2013, № 54 // Oregon State Legislature [Electronic resource]. - 2012. - Mode of access: <https://olis.leg.state.or.us/liz/2013R1/Downloads/MeasureDocument/SB54/> Introduced
5. Мамадиев, З. (2023). АКТУАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ДИСТАНЦИОННОГО ПРЕДОСТАВЛЕНИЯ И ЦИФРОВИЗАЦИИ БАНКОВСКИХ УСЛУГ. Экономика и образование, 24(1), 115–122. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/922>